

Усмон Мусҳафи тарихи ҳақида китоб тайёрланади



13:46 / 23.04.2025 1583

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида буюк тарихий ва маданий меросларимизни ўрганиш, асраш ва тарғиб этиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланмоқда. Дунёда энг қадимги нусхаларидан бири ҳисобланган Усмон Мусҳафи тарихи ҳақида илк бор илмий-оммабоп китоб тайёрланмоқда.

Мазкур китобда Қуръони Каримнинг энг қадимий нусхаларидан бири саналмиш, 7 асрда кўчирилган ва ҳозирги кунда Ўзбекистонда сақланаётган Усмон Мусҳафининг келиб чиқиши, тарихий йўли, палеографик хусусиятлари, диний ва маданий аҳамияти кенг ёритилади. Китоб нашр этилгач Ислом цивилизацияси маркази экспозицияси таркибига киритилади ва ташриф буюрувчиларга ушбу ноёб Қуръон

қўлёзмаси ҳақида батафсил маълумот бериш имконини яратади.

Лойиҳанинг асосий мақсади – Ўзбекистон ҳудудида сақланаётган бу нодир тарихий манба орқали ислом илм-фанининг юксак савиясини, мусулмон дунёсининг илк даврлардаги ёзув маданияти ва Қуръонни кўчириш анъаналарини кенг жамоатчиликка танитишдан иборат.